



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil «25» июль

№ПФ-117

Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатларининг ижроси устидан самарали назорат механизмларини жорий қилиш, ижро натижаси бўйича аниқ ҳисобдорликни таъминлаш, шунингдек, барча бўғиндаги раҳбарлар ва ходимларнинг ижро интизомига қатъий риоя этиш бўйича шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар давлат органлари ва ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларда (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлар) **ижро интизомини ташкил этишнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

- (а) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини **назорат қилишнинг самарали механизмларини** жорий қилиш;
- (б) ҳудудларда **ислоҳотлар натижадорлигини ўрганиш** ва ижро интизомини мустаҳкамлаш ишларини **сифатли** ташкил этиш;
- (в) давлат органлари ва ташкилотларда **ижрони ташкил этишда биринчи раҳбарларнинг масъулиятини** ошириш;
- (г) Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этиш жараёнларини рақамлаштириш;
- (д) ижро интизомини назорат қилиш жараёнларига **сунъий интеллект технологияларини** жорий қилиш.

II. Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини назорат қилишдаги ролини ошириш

2. Ҳисоб палатасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

- (а) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари (кейинги ўринларда – қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) доирасида ажратилган **маблағларнинг мақсадли сарфланишини ўрганиш** билан бирга уларнинг **аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун самарадорлигини** таҳлил қилиш;
- (б) ижро интизомини мустаҳкамлашга, мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини оширишга, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган ислохотлар **натижаларига эришишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни** ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- (в) ташаббускорларга қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда **эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан** таклифлар киритиш;
- (г) Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг **умумий ижроси ҳолати бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини **ахборот-таҳлилий жиҳатдан** доимий таъминлаб бориш;
- (д) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро этилиши юзасидан **давлат органлари ва ташкилотлар** фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Ҳудудларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш доирасида ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

- (а) **2025 йил 1 сентябрдан бошлаб** Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги ҳамда **бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари**дан иборат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида **ҳудудларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўрганиб бориш бўйича** ишчи гуруҳларни (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳлар) ташкил этишга рухсат этилсин;
- (б) қуйидагилар ишчи гуруҳларнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

- (i) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этишда тегишли давлат органлари ва ташкилотларга **амалий кўмаклашиш**, шунингдек, уларнинг **ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши ҳолатини жойига чиққан ҳолда** ўрганиш;
- (ii) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалда бажарилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда **юзага келган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш** чораларини кўриш;
- (iii) **ҳар чорак** якуни бўйича ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни тегишли давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида **муҳоама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар** ишлаб чиқиш;

(в) белгилансинки:

- (i) **ҳар чоракда** ҳудудларда ижро интизоми ҳолатини яхшилаш ва камчиликларни бартараф этиш, масъулларга чоралар кўриш бўйича таклифлар Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борилади;
- (ii) ишчи гуруҳлар штаблари ҳудудий адлия органларида ташкил этилади;
- (iii) Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишчи гуруҳларга ижро интизомини ташкил этишда яқиндан кўмаклашиб боради.

Ҳудудларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича янги амалиёт йўлга қўйилиши муносабати билан **2025 йил 1 сентябрдан** бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қисқартириладиган штат бирликлари ҳисобидан Ҳисоб палатасига **қўшимча 10 та бошқарув штат бирлиги ажратилсин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари **фармойишлари** (кадр, молиявий-хўжалик ва бошқа идоравий-ташкилий масалаларига оид фармойишлардан ташқари) ва **топшириқлари ижросини “ijro.gov.uz” ижро интизоми** идоралараро ягона электрон тизими (кейинги ўринларда – “ijro.gov.uz” тизими) орқали назорат қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Белгилансинки, мазкур турдаги фармойишлар ва топшириқлар ижросини назорат қилиш “ijro.gov.uz” тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини назорат қилиш тартибида амалга оширилади.

III. Ижро интизомини самарали ташкил этишда давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш

5. 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

- (а) давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалар **алоҳида тузилма сифатида бевосита биринчи раҳбарлар бўйсунувига ўтказилсин;**
 - (б) давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул тузилмаси ходимларининг **Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Адлия вазирлигида** режа-жадвал асосида ҳар уч йилда бир **маротаба малакасини ошириш** амалиёти йўлга қўйилсин.
6. Қуйидагилар давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмаларининг **асосий фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:
- (а) ижро интизомига риоя қилиниши устидан **тизимли кунлик назорат** ва мониторингни амалга ошириш;
 - (б) ижро интизомида камчиликларга йўл қўйган ходимларга **интизомий жазо қўллаш** бўйича биринчи раҳбарга **таклифлар киритиш;**
 - (в) **ҳар ҳафта жума кuni** келгуси ҳафтада ва **ҳар ойнинг 25-санасига қадар** келгуси ойда бажарилиши лозим бўлган топшириқлар тўғрисида биринчи раҳбарни хабардор қилиш;
 - (г) ижро интизомида юзага келган муаммоларни бартараф этишда ходимларга **амалий ёрдам кўрсатиш**, ходимлар учун **тизимли равишда ўқув семинарлар** ҳамда **машғулотларни ташкил этиш.**

Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалар ходимларига функционал мажбурияти билан **боғлиқ бўлмаган вазифалар юклатилишига** йўл қўйилмайди.

7. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида **2025 йил 1 октябрдан** бошлаб:

- (а) ижро интизоми тўғрисидаги тегишли маълумотларни давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, Адлия вазирлигининг веб-саҳифаларига жойлаштириб, **ҳар ойда маълумотларни янгилаб бориш** амалиёти йўлга қўйилсин;

- (б) **ҳар чоракда** давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатлари ижроси ҳолати бўйича кенг жамоатчиликка ҳисобот бериши тартиби жорий қилинсин.

IV. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий қилиш

8. Ҳукуматнинг **2025 йил 1 октябрдан** Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси бўйича **назорат ва ҳисобдорликни** ташкил этишни “ijro.gov.uz” тизими орқали амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
9. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини назорат қилиш бўйича янги тартиб жорий этилиши муносабати билан:

- (а) Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида амалдаги штат бирликлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бошқармаси негизида **20 та штат** бирлигидан иборат бевосита адлия вазирига бўйсунувчи **Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бошқармаси** (кейинги ўринларда – Бошқарма) ташкил этилсин;
- (б) белгилаб қўйилсинки, Бошқарманинг ҳудудий бўлимлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бўйича бевосита **Бошқарма бошлиғига**, меҳнат интизоми бўйича эса тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларига бўйсунди.

V. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тўлиқ ташкил этиш ва ижро сифатини баҳолашнинг янги тартибини жорий қилиш

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

- (а) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилиши белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилганидан сўнг уларни қабул қилгунга қадар бўлган босқичлар қўшимча равишда “ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинади;

(б) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва (ёки) тасдиқлаш тўғрисидаги топшириқлар **ушбу ҳужжатлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг** назоратдан чиқарилади;

(в) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардаги **рақамлаштиришга оид топшириқлар** ижроси “ijro.gov.uz” тизимида **Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилгандан сўнг тўлиқ бажарилган** деб ҳисобланади;

г) ижро муддати **уч ой ва ундан ошадиган** топшириқларни назорат қилишда **оралиқ назорат механизми** жорий этилади. Бунда масъул ижрочи топшириқ муддатининг тенг ярмида амалга оширилган ишлар тўғрисида оралиқ маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга “ijro.gov.uz” тизимида киритади;

д) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш жараёнида, заруратга кўра, Адлия вазирлиги томонидан Ҳисоб палатаси билан келишган ҳолда “ijro.gov.uz” тизимида қўшимча ижрочи белгиланиши мумкин.

11. Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолатини баҳолаш амалиёти жорий этилсин. Бунда:

(а) **ҳар чоракда:**

(i) ижрода турган барча топшириқлар **таҳлика-таҳлил тамойили** асосида ўрганилиб, **ижрони ўз вақтида таъминламаслик хавфи юқори бўлган топшириқларнинг** алоҳида рўйхати юритилади;

(ii) муддати келган ёки яқинлашаётган топшириқлар ижросини таъминлашда **маблағ, ресурс ва инфратузилма манбалари ҳамда бошқа асослар** мавжудлиги ҳолатлари таҳлил қилинади;

(б) топшириқлар ижросини таъминлашда юзага келаётган тизимли **муаммо ва камчиликларни** бартараф этиш, ижрони сифатли ҳамда ўз вақтида таъминлаш чораларини кўришга **қўшимча ижрочилар ва ресурсларни сафарбар этиш орқали** амалий ёрдам кўрсатилади.

Ҳисоб палатаси раиси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишда **соҳа ва яхлит ҳужжат кесимида ишларни ташкил этиш** чораларини кўрсин.

VI. Ижро интизомини таъминлаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш

12. 2025 йил 1 октябрга қадар:

(а) сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда “ijro.gov.uz” тизимига топшириқларни киритишда уларнинг **такрорийлигини аниқлаш** ҳамда ижро муддати яқинлашаётган топшириқлар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотларнинг биринчи раҳбарларига **автоматик равишда хабарнома юбориш** амалиёти йўлга қўйилсин;

(б) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича киритилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва асослилигини “ijro.gov.uz” тизими орқали текшириш имкониятини таъминлаш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари “ijro.gov.uz” тизимига **босқичма-босқич интеграция қилинсин**.

Мазкур бандда белгиланган топшириқлар ижросининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ташкил этилишига шахсан масъул этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Шерматов ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарлари белгилансин.

VII. Фармон ижросини ташкил қилиш, таъминлаш ва назорат

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари М. Абдуллаев ҳамда адлия вазири А. Ташкулов белгилансин.

16. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри